

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» КАФЕДРАСИ

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим
йўналиши талабалари учун
«Солиқ ва солиққа тортиш» фанидан
очиқ дарс мавзусининг маъруза матни

Тайёрлади: «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит»
т.ф.н.доц. Мажидов А.А.

Тақризчилар: доц. Рохатова Н.Қ
доц. Абдукаримова М.Р.

ТОШКЕНТ-2010й

Республикамизда 2010 йилда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг
ставкаларидаги ўзгаришлар ҳамда солиқ солишнинг айрим масалалари
тўғрисида

Режа:

1. Солиқ ва солиққа тортиш соҳаеидаги ислохотлар ва натижалар
хусусида.

2. Солиқ ва солиққа тортиш соҳасида 2010 йилдаги вазифалар

Иқтисодий ислохотларни қонуний жиҳатдан таъминлашга
йўналтирилган бундай ва бошқа бир қатор тадбирлар 2009-2012 йилларга
мўлжалланган, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий
оқибатларини имкон қадар камайтиришга қаратилган Инқирозга қарши
чоралар дастурини самарали амалга оширишни ҳукукий таъминлаш,
дунёдаги санокли давлатлар Қаторида Ўзбекистонга иқтисодиётнинг
барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва аҳолининг реал
даромадларини ошириш имконини берди.

Солиқ тизими кўп жиҳатдан мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг
самарадорлигини ва унинг раҳобатбардошлигини белгиловчи муҳим омиллардан
бири ҳисобланади. Кейинга беш йил ичида Ўзбекистонда солиқ солиш соҳасида
муҳим: ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, асосий солиқларнинг ставкалари
пасайтирилди, янги Солиқ кодекси қабул қилинди, солиқ маъмуриятчилиги
такмиллаштирилди. Солиқ юкини изчиллик билан камайтириш Ўзбекистон
Республикасининг Инқирозга қарши чоралар дастурида қўйилган мақсадларга
эришишга имкон берди. Ҳозирги вақтда республикамиз ишбилармонлик муҳити
ҳолатининг солиқ юки даражаси ва юридик шахслардан олинадиган фойда солиқ
ставкалари сингари кўрсаткичлари бўйича кўп мамлакатлардан илгарилаб кетган.
Бундан ташқари, Ўзбекистонда солиқ текширувлари сони бошқа кўплаб
давлатлардагидан анча камдир.

Мамлакатимизда ўзига хос солиқ тизими яратилди ва солиқ сиёсати
йилдан-йилга такомиллаштириб борилмоқда. Иқтисодиётнинг барқарор

ривожланиши учун бухгалтерия ҳисобини мунтазам равишда халқаро стандартларга мослаштириб борилиши талаб қилинмоқда. Амалдаги солиқ сиёсати, бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил тизимини бозор иқтисодиёти қонунлари талаблари асосида янада такомиллаштириш тақозо этилмоқда.

Давлат ўз зиммасидаги конституцион вазифаларини бажариш мақсадида, зарур харажатларни молиялаштириш учун юридик ва жисмоний шахслар даромадларининг бир қисмини солиқ ва мажбурий тўловлар тарзида ўз хазинасига қонуний йўллар билан йиғиб олади.

Президентимиз Ислом Каримов «Солиқ тизимини такомиллаштириш, бюджет даромадлари барқарор суратда тўлдириб турилишини таъминлайдиган, кичик ва хусусий корхоналарнинг, чет эл капитали иштирокидаги, қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлайдиган ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналарнинг ривожланишни рағбатлантирадиган пишиқ-пухта солиқ сиёсатини олиб бориш лозимдир»¹ деб таъкидлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Принципиал муҳим устувор вазифалардан бири - солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришдир. Бусиз ҳеч қандай масалани ҳал этиб бўлмайди. Солиққа тортиш масаласида синалган принцип ва ёндашувларни ишлаб чиқиш, бу борада бошқа мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш ўта муҳим аҳамиятга эга»².

Республикаимизда 2010 йилнинг биринчи чорагида иқтисодиётни ислоҳ қилиш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишни давом эттариш ва чуқурлаштириш, 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дасту-рини сўзсиз бажариш ҳамда шу асосда иқтисодиётнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатлари, унинг самарадорлиги ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш

¹ Каримов И.А.: «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» Т.:Ўзбекистон. 1995, 21 бет.

²Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир -Тошкент.: Ўзбекистон, 2005. 88-6.

орқали эришилган иқтисодийни изчил ривожлантириш тенденциялари сақланиб қолди.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичида Республикамизда солиқ тизимини янада эркинлаштириш ва унинг рағбатлантириш функциясини кучайтириш соҳасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Фақат 2000-2010 йиллар мобайнида юртимизда даромад солиғи 38 фоиздан 9 фоизга туширилди.

Жисмоний шахслар даромадидан солиқ олиш ставкаси ҳам тубдан қайта куриб чиқилди ва камайтирилди. Натижада сўнгги етти йилда иқтисодийда умумий солиқ юки 40 фоиздан 27 фоизга пасайтирилди. Шунга мувофиқ корхоналарнинг молиявий ресурслари ҳам тегишли равишда ошди.

Бу ўз навбатда, инвестицияларнинг кўпайиши, корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдириш, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш учун қўшимча манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Солиқ соҳасини янада эркинлаштириш сиёсати давом эттирилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари учун ягона солиқ ставкаси 2010 йилда 7 фоизгача камайтирилди.

Бунинг натижасида бўшайдиган маблағлар банкларнинг капиталлашувини ошириш учун мақсадли равишда йўналтирилади. Шунинг қайд этиш жоизки, бундай солиқ ставкаси нафақат Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида, балки иқтисодий ривожланган хорижий давлатлар ўртасида ҳам энг паст кўрсаткичлардан биридир.

Давлат бюджетини бажаришга қаратилган ғазначилик хизмати институтини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини анча оширади.

Солиқ тизимини бошқаришни ислох қилишда 2008 йил 1 январдан кучга кирган янги таҳрирдаги Солиқ кодекси муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон тажрибасини ва солиққа тортишнинг амалда синовдан ўтган ёндашув ва тамойилларини ўрганиш асосида тайёрланган Солиқ кодексимизда кўзда тутилган меъёр ва қоидалар, аввало, солиқ тизимини ва

Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси, бундан савдо ва умумий овкатланиш корхоналари мустасно, 1 фоизга пасайтирилди ва 2010 йилга 7 фоиз миқдорида белгиланди.

Экспортчи кичик корхоналар (микрофирмалар) учун ягона солиқ тўлови бўйича 2009 йилда амал қилган, реализациянинг умумий ҳажмида эркин конвертацияланадиган валютада ўзи ишлаб чиқарган товарларнинг (ишлар, хизматларнинг, уларни бажариш, кўрсатиш жойидан қатъи назар) экспорт улушига боғлиқ ҳолда солиқ солишнинг регрессив шкаласи сақлаб қолинди. Эспорт улуши:

реализациянинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача бўлганда- белгиланган ставка 30 фоизга пасайтирилади; - реализациянинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан кўп бўлганда - белгиланган ставка 50 фоизга пасайтирилади.

- *Жисмоний шахслардан олинадиган солиғи бўйича:* Жисмоний шахсларнинг 2010 йилга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қуйидаги ставкалари тасдиқланди:

Жадвал №1

Жами даромад миқдори	Солиқсуммаси
Энг кам иш ҳақининг олти бараваригача миқдорда	Даромад суммасида 11 фоизи
Энг кам иш ҳақининг олти бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорда	Энг кам. иш ҳақининг олти баравари миқдоридан олинадиган солиқ + олти баравардан ошадиган сумманинг 17 фоизи
Энг кам ҳақининг ўн баравари (+1 сўм) ва ундан юқори миқдордан	Энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан олинадиган солиқ + ўн баравардан ошадиган сумманинг 22 фоизи

Бунда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини камайтириш ҳисобига фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақаларига йўналтириладиган мажбурий ҳар ойлик бадалларни ўтказишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинади.

- *Қўшилган қиймат солиғи бўйича:*

ҚҚС ставкаси 20 фоиз миқдорида сақлаб қолинди.

- *Ақид солиғи бўйича:*

Ўзбекистон **Республикаси Президенти** 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-еон қарорида Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган акцизли товарларга нисбатан акциз солиғи ставкалари келтирилган.

- Сув рееурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича:

2009 йилда амал қилган солиқ ставкалари 1,15 бараварга индексацияланди.

- Ер қабридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича:

Ер қабридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари солиқ солишнинг 31 та объекти бўйича 0,1-3,1 фоизга оширилди. Солиқ солиш 2 та объекти бўйича ер қабридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 0,3 фоизга пасайтирилди.

Солиқ солишнинг 3 объекти (утиллаштирилган табиий газ, уран, вермикулит) жорий этилди.

- Ер солиши бўйича:

2009 йилда амал қилган солиқ ставкалари **1,15** бараварга индексацияланади.

- Ягона ер солиғи бўйича:

Қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматидан келиб чиқиб ягона ер солиғини тўлайдиган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи ставкаси қишлоқ хўжалиги ерлари меъёрий қийматининг 3,5 фоизидан 5 фоизга оширилди.

- Мол - мулк солиғи бўйича:

Юридик шахслардан олинadиган мол-мулк солиғи ставкаси Меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ускуна учун мол-мулк солиғи икки бараварлик ставкада тўланади.

Экспорт қилувчи корхоналар учун мол-мулк солиғи бўйича 2009 йилда амал қилган, реализациянинг умумий ҳажмида эркин конвертацияланadиган валюта учун ўзи ишлаб чиқарган товарларнинг (ишлар, хизматларнинг, уларни бажариш, кўрсатиш жойидан қатъи назар) экспорт улушига боғлиқ

ҳолда солиқ солишининг регрессив шкаласи сақлаб қолинди. Бунда экспорт улуши:

- реализациянинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача бўлганда - белгиланган ставка 30 фоизга пасаяди;
- реализациянинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан кўн бўлганда - белгиланган ставка 50 фоизга пасаяди.

Бунда тугалланмаган қурилиш ва белгиланган (меъёрий) муддатларга ишга туширилмаган ускуналар қийматига пасайтирилган ставкалар қўлланмайди.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи ставкаси эса мол-мулкни инвентар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида белгиланди.

Жисмоний шахслар мол-мулкни баҳоловчи органлар томонидан белгиланган мол-мулкнинг инвентаризация қиймати мавжуд бўлмаганда солиқ ундириш учун Тошкент шаҳар ва вилоят марказларида 18480,0 минг сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда 8030,0 минг сўм миқдорида шартли қиймат қабул қилинадн.

- Юқори фойдага солиқ бўйича:

Цемент (бундан оқ цемент мустасно), полиэтилен граиулалари, табиий газга қўшимча фойдага солиқ ставкалари 25 фоизга, катод миси учун эса 10 фоизга пасайтирилди.

1 тоннаси учун нархи 80000 минг сўмдан ошадиган клинкерга 50 фоиз миқдорида қўшимча фойдага солиқ жорий этилди.

-Жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари. Жорий этадиган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича:

2010 йил 1 январидан бошлаб маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг чегараланган ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланди:

Жадвал №2

№	Солиқ ва йиғимларнинг турлари	Чегараланган ставкалар
1	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	Соф фойданинг 8 % и
2	Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига:	

	бензин, дизель ёқилгаси ишлатганлик учун олинадиган солиқ	1 литручун 145 сўм
	газ ишлатганлик учун солиқ	1 кгучун 145 еўм
3	Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йшим:	
	алкоголли маҳсулот билан	1 ойлик савдо учун энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида
	қimmatбаҳо металллар ва қimmatбаҳо тошлардан ясалган буюмлар билан	1 ойлик савдо учун энг кам иш ҳақининг 3.5 баравари миқдорида
4	Автотранспортни сақлаш бўйича пули хизматлар кўрсатганлик учун йшим	Ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг 8 баравари миқдорида

- Ижтимоий сугурта мажбурий бадаллар ва ажратмалар:

Ягона ижтимоий тўловнинг 25 фоиз миқдоридаги ставкаси қуйидаги миқдорларда тақсимланади:

-бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига - 24,8 %; -

бандликка кўмаклашувчи давлат жамғармасига - 0*1 %; -

касаба уюшмалари федерацияси Кенгашига - 0,1 %.

Фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига уларнинг меҳнаг ҳақ тўлаш: кўринишидаги даромадларидан мажбурий сугурта бадаллари ставкаси 2009 йилда амал қилган 3,5 % ўрнига 4 фоиз миқдорида белгиланди.

- Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар:

Республика йўл жамғармасига ажратмалар ва йиғимларнинг 2009 йилда амал қилган ставкалари сақлаб қолинди.

- Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар:

Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратма ставкаси I фоиздан - 0,5 фоизга тушурилди.

Солиқ соҳасидаги белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга оширилиши, Республика ва маҳаллий бюджетларга тушумлари таъминланди.

Хўжалик юритувчи субъектлар учун солиқ ставкаларини пасайтирилиши, уларни ривожланишига асос бўлади.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. - Тошкент: Адолат, 2008. 692-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ИҚ-1245-сон қарори. СБХ. 2009Й. 31 декабрь.
3. Каримов И.А. «Асосий вазифамиз-Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш». Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2009 йилнинг асосий йўналишлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналтиларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи», 2010 йил 30 январ.